

Дажжол жин ҳам, фаришта ҳам эмас



21:01 / 14.11.2018 5778

Унинг жуссаси жуда катта бўлади. Худоликни даъво қилади. Шунинг учун Дажжолнинг гавдаси катта бўлишига қарамай, ожизлиги ва кўзидаги нуқсонга ишора қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аллоҳ ғилай эмас", деб айтган эдилар.

Дажжол – инсон боласи. У жин ҳам, фаришта ҳам эмас. Демак, унда ер кишиларники каби гавда ва қомат бор. Одамлар сингари ейди, ичади, ухлайди, бедор бўлади, ҳожатга боради, ер юзида юради ва улов минади. Хачирининг икки қулоғи ўртасидаги масофа қирқ зирҳ келади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Дажжолни шундай сифатлаганларки, биз уни кўзимиз билан кўриб тургандекмиз. Умумий ҳадисларда келган васфга кўра, Дажжол – жуссаси баҳайбат, бўйи баланд, семиз киши. Унинг калта, қуюқ ва жингалак сочи бўлиб, қомати озгина эгилган. Ранги оқ, икки кўзи

ўртасига "кофир" деб ёзилган. Бу ёзувни ўқишни биладиган ва билмайдиган ҳар бир мўмин ўқий олади. Икки кўзи ёилай. Лекин ўнг кўзи ўта ёилай бўлганидан, нурсиз бўлиб кўринади. Чап кўзининг устида ортиқча эти бор. (У кўзни қоплаб турадиган бир парча тери ёки кўзнинг четидан ўсиб чиққан гўштга ўхшайди.) Чап кўзи ҳам ёилай. Демак, у яхши кўра олмайди. Деярлик кўр ёки кўрга яқин. Шундай бўлишига қарамасдан, у ер юзини айланиб чиқади ва ҳамма ёқни фасодга тўлдиради.

Дажжолнинг тахминий сурати шу. Унинг ёмонлигидан Аллоҳ асрасин.

«Дажжол ҳақида нима биласиз?» китобидан